



Бухоро амирлик шаклида 1918 йил мартига қадар Русия ҳокимияти остида эди. Шу билан бирга, ички ишлар борасида мустакиллигини биров саклаб қолган эди.

Бухородаги жаҳидчилик ҳаракати ва Тошкент шўро комиссарлигининг қасали (Бухорони босиб олиш истаги) Бухоро ўз мустакиллигини қайта қўлга олишида ёрдам берди. Бухоро инқилобчилари февраль инқилобига шижоат билан ҳаракат қилган бўлсалар, ундан сўнг ислох талабларини амир олдиға қўйиш билан чегараландилар. Амир Олимхон Бухоро жаҳидлари ва Бухородаги Муваққат рус ҳукуматининг сиёсий айғокчиси Миллер тазйиқи билан 1917 йил 30 мартда «Хуррият баённомасини» (Баённоманинг матни қуйидаги асарларда бор: С. Айний, Бухоро инқилоби учун метариаллар. - Москва: 1926. 158 - 159 б. Война в песках. - Москва: 1935, 236 - 237 б.; Ф. Ходжаев, К. Истории революции в Бухаре. - Ташкент: 1926, 20 - 21 б.) эълон қилди. Жаҳидлар баённома эълон қилинмасидан аввал намойиш ўтказиш ниятида эдилар. Фақат бу масалада жаҳидлар раҳбарлари орасида ихтилоф бор эди. Улар тахминан 1917 йил 16 мартда Аҳмад Наимнинг уйида тўпланишганди. Абдурауф Фитрат ва Усмонхўжа очик намойиш ўтказишни талаб қилдилар. Жаҳидлар Марказий қўмитаси бошлиғи Абдулвоҳид Бурхон ва айрим бошқа аъзолар (Мухиддин Рафоат, Мусо Саиджон) намойишдан қўра, ислохотни амалга ошириш фойдалироқ деб ҳисобларди. Натижада Фитрат ва Усмонхўжанинг талаби қабул қилинди. 1917 йил 8 апрелда 1000 нафар намойишчи шаҳар маркази томон юрди. Бироздан сўнг уларнинг миқдори 7 мингга етди. Бу намойишчилар «Яшасин Хуррият, Ўқийлик ва босин (матбуот) эркинлиги ва мактаблар

эркинлиги» шиорлари ёзилган кизил байрок кўтариб олишганди. Бошка бир гуруҳ намоишчилар кўлидаги байрокда эса «Яшасин амир - халоскоримиз» деб ёзилган эди. Аммо амир уларни ўз кўшини воситасида тумтаракай килди. Жаидлардан 30 киши кўлга тушди(Ф. Ходжаев. К истории, 23-6.). Колганлари Когонга кочишга муваффақ бўлди. Когонда Марказий кўмитани янгидан тузишди. Марказкўм бошлиги Бурхон ўз ўрнига Мухиддин Мансурни таклиф этди ва у раис килиб сайланди. Мансур раислигидаги жаидларнинг марказкўми(Кўмитанинг аъзолари: Мухиддин Мансур, Абдулқодир Мухиддин, Мухиддин Рафоат, Абдулвоҳид Бурхон, Усмонхўжа, Ориф Каримий, Мирзо Исом Мухиддин, Мусо Саиджон, Мухтор Саиджон, Файзулла Хўжа, Абдурауф Фитрат, Ота Хўжа ва б.к. Каранг: Ф. Ходжаев. К истории. 27-6.) 1917 йил 13 апрелда Хуррият баёнотини амалга ошириш учун амир билан музокара олиб боришга қарор килди. Бу мақсадда 9 кишилик хайъат тузилди(Бу комиссияга қуйидагилар сайланган: М. Мансур, А. Мухиддин, М. Исом, Муса Саиджон, А. Бурхон, Ота Хўжа. Хўжа Абдусаттор, Мухтор Саиджон, Ф. Хўжа. Каранг: Ф. Ходжаев, К истории, 29-6.). Хайъат аъзолари 21 апрелда амир хузурида бўлишди. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади. Шунинг учун жаидлар амирга таъсир киладиган ҳаракат бошламокчи бўлдилар ва бу борада жаидлар яна иккига бўлинди. Бу ҳолат марказкўмда ҳам ўзгариш бўлишига олиб келди. 1917 йил май ойи бошларида янги марказкўм тузилди. Бу кўмита жаидларнинг Сўл радикал қаноти фикрини акс эттирарди(Аъзолар: Абдулвоҳид (раис), Раҳмат Рафик, Фатхулла Хўжа, Абдурауф Фитрат, Ф. Хўжа, Тошўгли, Фазлиддин Махсум, Муса Саиджон, Ағдарўгли. Усмонхўжа Хожи Мирбобо. Каранг: Ф. Ходжаев, К истории, 32-6.). Жаидлар 1917 йил охиригача янги дастуриламал тайёрлашдан нарига ўта олмадилар. Дастур Фитрат томонидан яратилди ва 1918 йил январида Марказкўмга ҳавола қилинди. Фитрат дастурининг лойиҳаси «бир ҳукукий давлат» ташкил қилишни назарда тутарди. Бу давлат кейинроқ дехқончилик масалаларини ҳал қиларди. Ер эгаллигининг уч тури жорий қилиниши керак: 1- «шахсий», 2- «давлат» ва 3- «вакф» ерлари. Ўтиш даврида ер солигининг қайтарилиши ва дехқончиликни ривожлантириш мўлжалланарди. Вақф масаласига алоҳида эътибор берилган эди. Илмни ташвиқ қилиш гоёси билан диний ҳадя сифати-да берилган ерларга гамхўрлик қилишга эътибор жалб қилинганди. Вақф ерлари дехқонларга ижарага бериларди. 21 ёшга тўлган ҳар бир йигит 2 йил муддат ҳарбий хизмат ўташи белгиланган эди. Маҳкамалар шариат асосида юритиши лозим бўлиб, дастур лойиҳасида халқ таълимига алоҳида ургу берилганди. Ҳамма ерда давлат ҳисобидан ўқув юртлари очилиши керак эди. Давлат бошқаруви 10 нозирдан ташкил этилган бўлиб(Мўлжалланган нозирликлар: кишлок хўжалиги, вакф, мудоффа, молия, ички ишлар, миршаб, алоқа ва саноат, халқ таълими ва ташки ишлар. Ҳар нозирнинг бир маслаҳатчиси бўлиши кўзда тутилган, бу маслаҳатчилар (вакил) бошқа мамлакат мусулмонларидан, масалан, Туркия ва Озарбайжондан бўлиши мумкин.), уларнинг идора доирасини бош нозир белгилаб берар эди.

Жаидлар амирни тахтдан туширишга ўз қучлари етишига ишонмасди. Шунинг учун Тошкентдаги шўро маҳкамасидан ёрдам сўрашди. Когонлик коммунистлар-нинг қаттаси Преображенский жаидлар билан Тошкент шўроси орасида алоқачи бўлди. Тошкент шўроси Бухорода қуролли исён бўлишини истарди. Ўзларини «ёш бухороликлар» деб номлаган жаидларнинг Марказкўми кўзголон режасини тузди. Бу режага кўра, жаидлар ҳукумат идораларини ишғол қилиб, амирни янги бир баённома эълон қилишга мажбур қиларди. Буни амалга ошириш учун Тошкент шўро комиссарларининг ёрдами керак бўларди. «Ёш бухороликлар» Марказкўми 1917 йил декабрида Файзулла Хўжаев

бошчилигида Тошкентга хайъат юборди. Файзулла Хўжаев Халк шўро махкамаси раиси Колесов билан учрашди. Колесов жадидларни кўллашени айтиб, Кўкондаги мухтор ҳукумат тугатилмагунча кўзга кўринадиган даражада ёрдам бера олмаслигини ҳам билдирди. Аслида ҳам Кўкондаги миллий ҳукуматни ағдаргач, рус қисмлари 1918 йил 15 мартда Бухорога қараб юрди. Шўро ҳукуматининг бу яшин тезлигидаги ҳаракати муваффақиятсизликка учради. Мағлубиятга учраган Колесов ўз қисмлари билан Бухородан орқага қайтишдан бошқа чораси қолмади. Ёш бухороликларни қурол билан таъминлай олмадилар. Улар Бухорода бир кўзғолон уюштирадиган ҳолатда ҳам эмасди. «Колесов Кўкон зафари сархушлиги билан Бухоро амирлигини ҳам осонгина йўқ қила оламан, деб ўйларди, факат шароит унинг хомхаёлидагидай эмасди» (Ходжаев. К истории, 45-6.). Ёш бухороликлар марказқўми шўро қисмлари ёрдамида рус қуроллари билан таъминланган 300 қуролли кишилар билан амир ва унинг ҳукуматини йикитиш ҳаёлида эдилар. Бухорода исён қилиш учун ёш бухороликлар «Инқилоб қўмитаси» тузишди (Бу Инқилоб қўмитасининг аъзолари: Фитрат, Отахўжа М. Бурхон, Ағдарўгли, Пўлат Фазлиддин махсум, Файзулла Хўжа. Қиёсланг: Ф. Ходжаев. К истории, 46-6.). Бу қўмита шўро қисмлари Бухорога юришидан бир кун олдин Колесовнинг Қогондаги қароргоҳи билан алоқа қолмади. Шўро қисмларининг игвогарлик ҳужуми ва ёш бухороликларнинг хиёнатга айланган ёрдамига қарамасдан, уларнинг енгилиши натижасида шўро ҳукумати 1918 йил 25 мартда Бухоро мустақиллигини расман тан олишга мажбур бўлди (Von Hende, Der Nationale Kampf, 148-6: 1918 йил 25 майда Қизилтепада бир шартнома имзоланди.: «Туркистон амирлигининг мустақиллиги Совет халқ комиссарлари томонидан тан олинди»). Шўро қисмлари чекингандан сўнг амир Олимхон бир қанча жадидларни қатл қилди. 150-200 атрофидаги киши Самарқанд ёки Тошкентдан бошпана излади. Улар бу шаҳарларда ўз гуруҳларини қайта қуришди (Самарқанд гуруҳининг раҳбарлари: Раҳмат Рафиқ ва Ота Хўжа; Тошкентники Ағдар ўгли, Бурхон, Фитрат ва Файзулла Хўжаев). Мусофирчилик-да баъзилари, масалан, мулла Рафоат ва мулла Махсум очликдан ўлдилар, баъзи бирлари, масалан, Пўлат, Ота Хўжа, Мусо Саиджон, Хўжа Ҳамроҳ ва Қори Гуломлар жа-дидлик ҳаракатидан воз кечдилар. Ёш бухороликлар Инқилоб қўмитаси рус қисмлари мағлубиятидан сўнг парчаланиб кетди. Файзулла Хўжаев вазифасидан озод бўлиб, Москвага кетди. Кейинроқ, 1919 йил охирида, РСФСР ҳукуматининг «Туркистон хайъати» ёш бухоро-ликларни ўз атрофига уюштира билди. 1919 йил июнидан бошлаб мухожир бухороликлар орасида коммунист-тик фаолият кўзга ташлана бошлади. Бу фаолият 30 май 11 июнларда (1919 й.) 10 кишининг «Бухоро коммунистик партияси» тузилишидан бошланди (История Коммунистической организации, 45-6.; Материаль! (эпоха социализма). - Алма-Ата: 89-а-б: Бухоро КП 1918 йил 25 сентябрида Тошкентда тузилди. «История национальной государственного строительства», 279-6: «Бухоролик қочқарлар сафларидан Бухоро коммунист партиясини яратиш учун Тошкент ва Янги Бухоро (Қогон) РКП (б)нинг коммунистлари фаолият бошладилар»). 1920 йил январини сўнгида Тошкентдаги коммунист бўлмаган ёш бухороликлар ҳам ўзларининг «Ёш бухороликлар партияси»ни тузишди. Кейингилари орасида Пўлат, Усмон-хўжа, Муқомил Бурхон, Муиджон Амин, Иззатулла Амин ва Файзулла Хўжа қабилар бор эди. Шўро Россиясининг Тошкентда «Шарқ миллатлараро ташвиқот шўроси» ёш бухороликларни ўз томонига оғдиришга уринарди. Россия шўро ҳукуматининг Туркистон хайъати қошида тузилган бу шўро 1920 йил 6 февралда ёш бухороликлар Бухоро амирлигига қарши игвогарлик ҳаракатини давом эттиришига имкон ва руҳсат берилиши ҳақида қарор қабул

килди(Материалм (Эпоха социализма), 93-6.). Тошкентдаги Бухоро коммунистик партияси шўронинг бу қарорига норозилик билдирди. 1920 йил 25 мартда «Шарк миллатлараро ташвиқот шўроси» амирга қарши қурашда Бухоро коммунистлари ёш бухороликлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Туркистон хайъати ташқи ишлар шўбаси РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлигига юборган ҳисоботида ёш бухороликлар «маънавиятчи-миллатчилиги»ни ва «панисломист-антисовет қарашлари билан Афғонистонга мойил» эканликлари баён қилди. 1920 йил 20 мартда Фрунзе амирни зиёрат қилар экан, унга шўро Русияси билан ҳамкорлик қилишни тавсия этди. Амир шўро Русиясининг ҳокимияти Бухорога дохил эмаслигини билдирди. Бунга жавобан Фрунзе: «Амир билан шўролар орасида лозим қўрилган фурсатда уруш бошланади», - деди. Шўро руслари Бухорога қириш учун бу сафар ҳам бухоролик муҳоҷирларни ишга солди. Фрунзе ҳаракат режасини тайёрлади ва 1920 йил 1 августда Бухоро билан қуроли тўқнашув қечиктириб бўлмас ҳолатга келганлигини баён қилган телеграммасида Лениндан Бухорога оид маълумотлар билан танишиб чиқишни илтимос қилди. 10 августда Москвадан қўрсатма келди: Бухоро қўшинига ҳужум қилиш учун ҳар қандай тадбир қилинган: «Мудоффа тадбирларидан ҳужум тадбирларига ўтиш» ҳатто ўз ерларимиз доирасида бўлганда ҳам бизни ички ишларга аралаштиришга ҳаққонлик билан бир Бухоро халқ инқилоби маркази мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин». «5 августда рус коммунистик партияси марказқўмининг «Турк қенгаши» Туркистон жаҳоннинг инқилоб ва уруш шўроси», Шарк миллатлараро ташвиқот шўроси ва Бухоро коммунистик партияларининг муштарак йиғилишида «Бухорода инқилоб бошлашга қарор қилинди». 26 августда Туркистон комиссарлиги Москвага шундай ҳисобот беради: «Амир амирлик бошқарушида 50000га яқин аскар тўплади»(Материалм (Эпоха социализма) 98-6. Зикр этилган манбада (109-6.) Бухоро амирлигининг 8725 пиёда, 7850 сувори ва 27070 қўнғилли жангчилари борлиги ёзилади.). Бу рақам роса муҳолага эди(Амирликнинг 16 пулемети ва 23 тўп билан қуролланган 8000 аскарлари бор эди. Қиёсланг: Hayit, Die Sowjetrussische Orieutpolitik, 104 -105 6.). Турккомиссия Москвага бундан бошқа муҳолагали ахборотлар ҳам берганди. Эмишқил, полкнинг (Бухорога қарши қаратилган) 50 фоизини Бухоро мусулмонлари ташкил этаркан. Фрунзе 1920 йил 28 августда шўро Русия қўшинига Бухорога бостириб қириши ҳақида буйруқ берди. 10 000 аскар, 40 тўп, 229 механизациялашган батарея, 4 зирхди арава (бронетранспортёр, 5 зирхли поезд (бронепоезд) ва 12 учок билан урушга қирган Русия қуроли қўчлари яшин тезлигида ҳаракат қилиб, 1 сентябрда Чоржўй, Бурдалиқ, Қарши, Қитоб, Шаҳрисабз, Қирокчи, Яққабоб, Қатирчи ва Қармана шаҳарларини босиб олишга муваффақ бўлди. Бухоро шаҳрига қилинган ҳужумлар эса зафарсиз қолмоқда эди. 1 сентябрда Фрунзе қандай бўлса ҳам Бухорони ишғол қилиш ҳақида қатъий қарор берди. 2 сентябрда Бухоро қўлга қиртилди. Бухоро амирлигидаги шўро ва жаҳид инқилоби қараёни шу тарзда тезлаштирди. 1920 йил 6 октябрда Бухоро I Халқ анжумани йиғилди ва Бухоро халқ жумҳурияти эълон қилинди. 9 сентябрь 1920 йил РСФСР ҳукумати В.В. Қўйбишевни тўлиқ вақолатли «Бухоро вақили» қилиб тайинлади. Қўйбишев 1920 йил 1 ноябрида: «Коммунистлар Бухорода инқилобни рўйбга қилардилар. Аммо иқтисодий ва психологик шарт-шароит қануз этилмаганлиги туфайли «социалистик» деб ифода этиш мумкин бўлмаган тузум қаратилди»(Материал! (эпоха социализма) 109-6.), деб очикча баён қилди. Рус коммунистик партияси (болшевик) Марказий қўмитасининг сиёсий бюроси 1920 йил 20 майда ҳокимият тепасида

коммунистлар турадиган «Бухоро демократик жумхурияти» ҳосил қилиш ҳақида қарор чиқарди. Аммо қарор ҳаёл бўлиб қолаверди. Чунки коммунист бўлмаган ёш бухороликларнинг фаолияти қучайганлиги туфайли Бухоро халқ жумхурияти ҳукуматини фақат Бухоро коммунистларидан тузиб бўлмасди (Бухоро жумхуриятининг ҳукумат аъзолари қуйидагилар эди. Мирза Абдулқодир Мухиддин - давлат раиси, Файзулла Хўжа - бош нозир ва ташқи ишлар нозири, Абдулхамид Ориф - мудоффа нозири, Қори Йўлдош - таълим-тарбия нозири, Усмон Хўжа - молия нозири, Муқомилдин - адолат нозири, Ота Хўжа - ички ишлар нозири, Ҳасанбек - соғлиқ нозири, Мухтор Саиджон - иқтисод нозири. Киёсланг: Hayit, Turkestan in XX Jahrh. 132-6.). Русиянинг шўро ҳукумати то 1923 йилга қадар ҳам Халқ жумхурияти ҳукуматини коммунистлар билан тўлдиролмади. Русия ҳукумати ва Бухоро ҳукумати орасида 1921 йил 4 мартда «иттифок» бўлиш шартномаси (Битим матнининг бир нусхаси Британия музейида (150/12) сақланмоқда. Унинг олмонча матни: 1966, 19 - 24 б.) тузилиб, унда Бухоронинг тўлиқ мустақиллиги эътироф қилинишига қарамай, шўро Русияси Бухорони «шўролаштириш» ниятидан воз кечмади. Бу ҳусусда узок музокаралар, ҳатто қелишмовчиликлар бўлиб ўтди. 1921 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган Бухоро халқ миллат вакилларининг 2-анжумани рус шўроларидан қутулиш ҳаракатига киришган давлат раиси М.А. Мухиддиннинг ўрнига Усмонхўжани сайладилар. 1921 йил 9 декабридан Усмонхўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжанинг (1878. 27. 7, 1968) шахси ва фаолияти ҳақида қаранг: Jarnin «Nocaoglu Osman», Turk Kulturi, 1968, 70-сон, 810 - 812-б; МТ, 1968, 125-сон, 18 - 20 б.) ҳам шўроларга қарши очикдан-очик қурашга бел боғлади ва Анвар пошшонинг иттифокчисига айланди. Рус шўро қўшини томонидан тахтидан туширилиб, Шарқий Бухоро ва ундан Қобулга қочган амир Олимхон (Бухоронинг сўнгги амири 1921 йил 18 февралдан бери Қобулда яшарди. Бу ерга оиласи ва хазинаси билан қелиб, фаровон яшади. 1944 йилда эса қашшоқ ҳолда вафот этди. Ўғиллари мулксиз қолди. 1969 йил майида - жума куни бир вақтлар бадавлат бўлган амирнинг невараси Қобулда дўконма-дўкон кезиб, тиланчилик қилиб юрганини қўрдим. Амир оиласининг сўзлашув тили форсча эди. Мир Олимхон 1922 йил июнида Женевадаги миллатлар жамиятига рус мухожири Никитиннинг ёзганлиги тахмин қилинаётган бир меморандум юборди. Бу меморандум Парижда La Voix de la Boukhara сарлавҳдси остида 1929 йили Саид Олимхон томонидан тарқатилди.) русларга ва Бухоро халқ жумхуриятига қарши қуролли ҳаракат бошлаган бўлса ҳам тахтини қайтариш учун бўлган уриниши зое кетди. Давлат раиси Файзулла Хўжа эса узок вақт шўро назарида «шубҳали шахс» бўлиб қолаверди (РСФСР ҳукуматининг Бухородаги вакили шундай дейди: «Файзулла гуруҳи учун коммунизм идеали мавжуд эмас, барча Хўжаевлар учун коммунизм қалқони фақат ҳокимиятларини қўриқлаш учун қерак». Киёсланг: С. Раджабов, Роль великого русского народа в судьбах народа в исторических Средней Азии. - Ташкент: 1955, 151-б.; Русия шўро ҳукумати 1922 йилда Бухоро ҳукуматининг барча аъзоларини қўлга олди. Файзулла Хўжа Москвага жўнатилди. Файзулла Хўжа Москвадан шўро ҳукуматининг сиёсатига эргашишни истамаганини ёзган эди. Киёсланг: Asmic, Die Politische Lage in Russisch Mittelasien Ende Yuli 1923 (IVa yu 6059).).

Шўролар Иттифоки ҳукумати 1924 йили ниҳоят Бухорога тўлиқ ҳоким бўлиш ниятини амалга оширди. Ушбу мақсадда Бухоро ҳукуматининг Москвага муҳолиф бўлган ҳукумат аъзоларини Бухородан четлаштириши шўроларга бир дастак бўлди (1923 йили 12 июнда РКП (б) МК сиёсий бюроси Бухорони шўролаштириш ва «демократлаштириш» зарурлиги ҳақидаги қўрсатмасини ақс эттирган «Бухоро муаммоларига доир» қарорни чиқарди.

1923 йили 23 РКП (б) МК котиби Я. Е. Рудзутак Бухоро коммунистик партияси МКнинг барча аъзолари олдида куйидагиларни баён килди: «РКП (б) МК Отахўжаевнинг Мўмин Махсум Аминовнинг ва Наимжон Якубзоданинг Бухородан сургун қилинишига қарор қилди. Жумхуриятнинг марказий ижроия кўмитасида Фитрат (халк таълими тарбия нозири) ва Саттор Хўжаевни (молия нозири) лавозимларидан бўшатиб, Бухородан ташқарига сургун қилинди». Киёсланг: Сулаймонова, история Советского государства и права Узбекистана. - Ташкент: 1960, 172-6. Оржоникидзе 1922 йил майида Бухорога келгач, шундай деган эди: «Нозирлар кенгаши раиси бухоролик бўлишига қаршилигим йўқ, ҳдтто Марказий Ижроия кўмитасининг раиси ҳам бухоролик бўлиши мумкин. Факат коммунистик партия котибининг миллатига қарашимиз керак. Нозирларнинг ҳаммаси бир миллатдан бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, нозирнинг бухоролик бўлгани яхши. Аммо бирор рус ёки гуржининг бу ўринни эгаллаши Ариповдан яхшидир». Киёсланг: Раджабов, Таджикская ССР, 105-6. Арипов Бухоро жумхуриятининг мудофаа нозири эди.). 1924 йил 17 сентябрида Бухоро халк жумхурияти «социалистик жумхурият» деб эълон қилинди. 1924 йил 20 сентябрида халк мил-лат вакилларининг 5-анжумани эса бу «Бухоро социалистик жумхуриятини» бекор қилишга қарор қилди. бу қарор Москов ва Тошкентнинг тўғридан-тўғри ошқора кўрсатмаси эди. Чунки Коммунистик партия марказкўми 1924 йил 12 июнда «Туркистон, Бухоро ва Хоразмни янгидан ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилганди(Гордиенко, Создание, 136-6. 1924 йил 5 апрелида РКП (б) МК Сиёсий бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразм ўрнига «миллий давлатлар» қуришни кўриб чиқди ва тақсимлашни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилди. Киёсланг: Сулаймонова, История Советского... I., 181-6.). Шундай қилиб, Русия бу миллий жумхуриятнинг борлигини, мавжудлигини йўқ қилди. Бу борада Бухородаги ички иттифоқлар ҳам кам ҳисса қўшишмади(Бухоро жумхуриятининг 2236000 аҳолисидан Ўзбекистон ССРга 1319000 (59%)и; мазкур жумхуриятда ташкил топган Тожикистон АССРга 608338 (27%)и ва Туркменистон ССРга 310101 (14%) киши дохил бўлди. Сулаймонова, История советского... I., 188-6.). Тарихида жуда кўп ўзгаришларни бошидан кечирган, 1920 йилдан эса «мустақил жумхурият» шаклида ўзлигини сақлаб келаётган, бир замонлар қудратли бўлган Бухоро давлати 1924 йилда шўро Русиясининг бир вилоятига айланиб қолди. Бу билан Русия юз йиллардан бери орзу қилиб келган «Бухорони қўшиб олиш» - азалий шум ниятига етди. Бу орада, 1920 йил Бухоро амирига қарши қурашда «Темурнинг шонли наслларига» мурожаат қилганлар 1924 йилда ўзлари ниҳоятда ожиз, нотавон ҳолга тушиб қолдилар. Туркистондаги қадимий бир давлатнинг йўқ қилинишига шерик бўлган инқилобчи жаҳидлар 1924 йилги фожияли сиёсатнинг оддий ғувоҳдарига айландилар. Бир вақтлар тараккийпарвар ҳисобланган бу қуддан янги бир инқилобчи гуруҳ пайдо бўлди. Уларнинг бир қисми миллий гуруҳдан мутлақо маҳрум коммунистларга айланди. Бошқа қисми эса Москов билан ҳамкорлик қилишни истамади. Файзулла Хўжанинг эътирофича, бу сўнги гуруҳўзларининг эски ғояларига содиқ қолиб, илгаригидай шўролардан ва коммунистлардан йироқ «маданий, ўқий-ўқитиш ва мустақил бир давлат» тузиш фикридан қайтмадилар(Ходжаев, К истории, 74-6.). Нима бўлишига қарамай, тўплар Бухоро халқининг орзуларидан таъсирли ва қучли эканлиги исбот қилинди. Русия Бухорони давлат сифатида йўқ қилиш учун 1924 йил январида 518 ўзбек, 116 туркман, 107 тожикдан(История коммунистической организации, 705-6. Бухоро КПни РКП (б)нинг узвий бўлаги ҳолига келтириш учун бўлган ҳаракат ўша асарнинг 683 - 684 бетларида ёритилган.) - жами 741 маҳаллий коммунист аъзосига эга бўлган, факат 1922 йил 1 февралидангина РКП (б)нинг бир бўлими ҳолига

Муаллиф:

19.03.2024 05:28 - Янгиланди 19.03.2024 06:14

келтирилган Бухоро Коммунистик партиясини бутун халк номидан ҳокимият тепасига келтириши учун етарли деб ҳисобларди(Шўроларнинг Бухорога нисбатан қўллаган сиёсати тафсилоти ҳақида қаранг: Mirza Bala, «Buhara Hanligi», «Islam Ansiklopedisi», 768 - 771 б; МТ, 1967, 120-сон, 3 - 12 б. Айни муаллиф, Бухоро ва Хива мустақиллигининг тугатилиши тарихига доир баъзи масалалар (изоҳдар), МТ. 1967, 120-сон, 12-бет; Бухоро инқилоби, ҲТ, 1931, 22-сон, 1 - 23 б.).

Др.Боймирза Хайитнинг"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан